ярим оролидаги (Мурманск области) апатит-
лари ҳисобига ишлаб турибди. Қалий хом
ашёси Уралдан (Соликамск) келтирилимоқда.
Ҳозирги кунда Ўзбекистон ССР Фанлар ака-
демияси Х. Абдуллаев номидаги геология
министрлигига қарашли «Химгеолнефть» экс-
педисицияси ва САИГММС геологларининг узоқ
йиллар давомига олиб борган машаққатли ва
шароити илмий тадқиқот ва технологияни иш-
лаш тўғриси Марказий Қизилқумда янги Ши-
молӣ Африка (Марокко, Жазоир) типидagi
фосфорит конлари аниқланди ва улар развед-
ка қилиниб, улкан запаслари аниқланиб, ишлаб
чиқаришга топширилди. Яқин келгусида бу
конлар республикамиз учун зарур бўлган
фосфорит минерал хом ашёсини бера бошла-
шдан умидворимиз.

Ўзбекистон жанубида қалий тузларига бой
(400 миллион тонна) конлар очилган. Статис-
тика маълумотларига қараганда, АҚШда 1950—
1972 йиллар давомида ўғит ишлаш 400 про-
цент ошган бўлса ҳам, ҳосил (фойдали қайта-
риш) фақат 70 процентга ошган. Шундан кў-
риниб турибдики, биргина сунъий ўғитларни
кўплаб ишлаш ҳосилдорлигини оширмас экан.
Бунинг устига фақат саноат ўғитларидан мут-
тасил фойдаланиш ҳосилдор ерларнинг «ка-
сали бўлишига олиб келар экан. Бу нохуш хо-
латлардан қўтултириш бирдан-бир чораси ор-
ганик ўғитлар (гўнг) қатори ҳали одат туси-
га кирмаган табиий ўғитлардан кенгрок фойда-
ланиш юқори самаралар бермоқда. Ана шун-
дай табиий минерал ўғитларига гилмоз, гилли
патнис тошлар, кўнгир кўмир, оҳактош ва
доломит, магнезит ҳамда таркибида бир про-
центга қадар мўмие сақлайдиган тоғ жинслари
— глауконитлар кирди. Биз кўйда фақат
биргина кўмир ҳақида сўз юритиб, унинг са-
маралари тўғрисида янги маълумотлар келти-
раемиз.

Одатда фанда қаустобиюмт жинслар тар-
кибига кўмир, нефть-газ, торф ва углеродли
патнис тошлар кириб, улар ўзига хос минерал
ўғит вазифасини ҳам бажарадилар. Чунки улар
таркибида ўсимлик учун зарур бўлган гумин
ва бошқа органик моддалар ҳамда ўсимлик
ўсишининг гаров-омили бўлган қўлгина микро-
элементлар учрайди. Шулардан бири Чехос-
лавакияда ишлаб чиқарилган кўмирли ўғитлар
(угтгүлти) одадий гўнгдан кучли бўлиб, тупроқ
ҳосилдорлигини оширмоқда. Ветанимизда фа-
қатгина Украинада бундай ўғитлар ишлаб чи-
қилмоқда ва ўсимликҳўшносликда фойдаланил-
моқда.

Маълумки, ҳосилдор тупроққа оқилона му-
омалада бўлмасан, у асте-секин «касалинган»,
ававал таркибидаги гумусин йўқотади, «ўлимган»
маҳкум бўлиди. Ҳўш бундай тупроқ маъдона-
рини қайта тиклаш учун қандай чоралар маъ-
жуд! Ана шу муаммони ижобий ҳал қилиш
учун Красноярск олимлари кўнгир кўмирга

этибор бердилар. Чунки бу кўмир қадимий
геологик даврларда унинг-ўсган ўсимликлар
қолдинки, ахир. Улар таркибида ҳозирги
замон ўсимликларининг бемалол ўсиши учун
зарур бўлган барча компонентлар мавжуд
бўлса ҳам, органик модда камчил. Ана шу
камчил органик моддани кўпайтириш учун
институт олимлари кўмирни улкан темир
идишларга солиб ва маълум микдор сув қўш-
ган ҳолатда унга турли микробларни солдилар.
Микроблар эса шу ондаёқ ишга киришиб, 5-6
соат мобайнида кўмирни «еб» таркибий қис-
ларга ажратиб ташладилар ва кўмирни сунъ-
ий гумусга бой «қора тупроққа» айлантириб
бердилар. Гўё «сўтга томизиб солиб қатиқ»
олинди. Бу олинган маҳсулотни теплицадаги
гул ўстиришда синиб кўрсалар, гуллар кон-
тролга нисбатан бир ой олдин очилди. Бо-
дирингларда эса ҳосилдорлиги икки баробар ош-
ди. Бу сунъий қора тупроқ ёрдамида 30-40
гектардан кон чикиндиларидан ҳосилдор туп-
роқ майдонлари рекултивация этилди. Крас-
ноярск олимларининг кашфоти ни мақтовга
сазовор тарафи ана шу ердаки, олинган «қо-
ра тупроқ» таркибида ерни ва атроф муҳитни
заҳарловчи биронта заҳарли элемент йўқ.

Ҳозирги кунда Иттифоқимизда кўнгир кўмир-
нинг запаслари миллионлар тонналарда ўлча-
нади, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам Ангрен
кўнгир кони мавжуд. Бу кўмирнинг салбий
томони шундаки, унинг таркибида ёнгандан
сўнг қоладиган қўл (зола) нисбатан кўп. Бу
ўз навбатида сунъий қора тупроқ олиш учун
ижобий маҳсулотлар. Бунинг устига кўмирга
қўй қатлам устида чикиндига чиқадиган кў-
мирга «камбағал» қатлам ҳам бор бўлиб, ун-
дан ҳам фойдаланиш имконияти мавжуддир.

Мазкур фидрларга қўшимча ана шунинг
йиш кераки, кўнгир кўмирдан тупроқ маҳсул-
дорлигини оширишда фойдаланиш нуқсонлиги
ҳақида Ўзбекистонда ҳам тажриблар ўт-
казилган. («Экономика и жизнь» журна-
ли, 11-сон, 1981 йил). Лекин бу тажрибаларнинг
ижобий натижалари ҳанузга қадар деҳқончи-
лигимизда жорий этилган эмас. Маълум бў-
лишича ташаббускор тажрибани П. М. Пономо-
рев ўз томорқасидан (гектар ҳисобига олган-
да) 250-300 центнер бугдой ва арпа ола билган.
Ҳар бир қадолган бугдой донаси 40 тадан
шоҳлаган ва тўлақонли бошоқ берган. Бу таж-
рибада Ангрен кўмирининг кўкуни — талко-
ни ишлатилган, аниқлашларга кўра 1 тонна
Ангрен кўмирида 700-720 килограмм қарбон
элементи; 40-50 водород; 140-200 иксилорда;
15-17 азот; 2-3 олтингугурт ва бир қанча ўси-
млик учун зарур бўлган микроэлементлар бор
экан. Шунинг алоҳида қайд этиш мумкинки, По-
номарев усули металл идишлар, сув ва микро-
блар концентратини талаб қилмайдди. Чунки
микроблар тупроқ таркибида ҳам етарли да-
ражада учрайди ва улар тупроқ устида сочи-
либ ҳайдалган кўмир талқонини қайта ишлаш-
га қодир.

Кўнгир кўмирдан тупроқ ҳосилдорлигини
оширишда фойдаланишнинг икки усули ҳам
одадий ва ҳар бир катта-кичик ҳўжалиқнинг им-
коният даражасидир. Шунинг учун кўмирни
ёндириб электр энергияси олгандан кўра деҳ-
қончиликда ишлатиб, юқори ҳосил олиш бир
неча баробар самаралироқдир. Биргина П. М.
Пonomарев тажрибасидagi натижага кўра гек-
тардан 300 центнердан олингандан дон эмас,
балки уни чўдан бири олinsa ҳам СССР бў-
йича ўрта ҳисобда олингандан 20 центнер дон-
дан беш баробар кўп-ку, ахир.

Илмий ва амалий тажриблар асосида Ангрен
ва Шарғун кўмир кон маҳсулотларидан деҳ-
қончиликда кеңг миқёсда фойдаланиш аҳоли-
ни озиқ-овқат билан мўл-кўл таъминлашга қў-
шилган ҳисоб бўлишидан умидворимиз. Бу иб-
ратлар ва ўта самарали ишларга Ўзбекистон
агротехника етарли даражада этибор бериб,
СоюзНИИХИ биринчи бўлиб ташаббус кўрсатса,
айнан кўзилган мақсадларга тезроқ эришил-
ган бўлур эди.

М. ЗОКИРОВ,
геология-минералогия фанлари
доктори, Ўзбекистон ССРда
хизмат кўрсатган геолог.



Халқ соғлиғи йўлида

Тошкентдаги вакцина ва зардоб илмий-тад-
қиқот институтини ўз фаолиятини 1918 йилдан
бошлаган. Шу йили ёш Туркистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш халқ комиссариятининг
биринчи медицина илмий-тажриба микробио-
логия лабораториясига асос солинди.
Қийин шароитларда, Тошкент ҳарбий гос-
питали биносида жойлашган лабораторияда
тадқиқотлар бошлаб юборилди. Хусусан,
1919 йилдаёқ вабога қарши ва ич терламага
қарши вакцина ҳамда чечакка қарши эллан-
диган препарат ишлаб чиқилди.

Мазкур институтда турли йилларда қатор
истеъдодли ёшлар иш олишган. Эндилликда
уларнинг номи совет фани соломасига ки-
рилган. СССР Медицина фанлари академия-
си ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияси-
нинг муҳбир аъзоси Н. И. Ходукина раҳбарли-
гида ташкил этилган паразитология мактаби-
нинг фаолияти самарали бўлди. Мактаб тинг-
ловчиларнинг безак, лейшманиозам, спиро-
хетозам ва иккита касалликларига қарши зар-
доб тайёрлаш борасидаги ишлари кеңг э-
тирофга сазовор бўлди.

Улуг Ватан уруши йилларида институт кол-
лектив олдига Совет Армияси ва аҳолини
бактериология препаратлар билан таъмин-

лашдек катта вазифа қўйилди. Бу вазифа ҳам
аъло даражада бажарилди.
1950 йилда СССР Министрлар Советининг
қарорига биноат Тошкент эпидемиология ва
микробиология институтини — Тошкент вакцина
ва зардоб илмий-тадқиқот институтини деб но-
маниб, у корхонаси билан СССР Соғлиқни
сақлаш министрлиги ихтиёрига ўтди. Шу бо-
ис институт фаолияти бирмунча ўзгарди.

Маълумки, Тошкент вакцина ва зардоб ил-
мий-тадқиқот институтини Урта Осиё ва Қозо-
ғистон региониди ағона ҳисобланади. Ҳозир-
га келиб институт 123 хилдаги турли препа-
ратларни ишлаб чиқаради. Улар нафақат Со-
вет Иттифоқида, балки хорижий мамлакатлар-
да ҳам маълум ва машҳур.
Бу йил институт коллективни ўзининг 70 йил-
лик юбилейини нишонлади. Эндилликда илмий
коллектив замонавий профилактик медицина-
ни янги юксак поғонага олиб чиқиб йўлида
ҳормай меҳнат қилмоқда.

Д. ЖАЛОЛОВ,
© СУРАТЛАРДА: ахборот группасининг раҳ-
бари В. Р. Шокирова янги доирлар билан
ташрифатмоқда; қоракўртдан заҳар олинди;
институтнинг катта микробиолога Р. Л. Жа-
вакова ва лаборант Л. Н. Телегина иш устида.
Р. Шарипов фотолари.

Ҳамжихатлик асосида

Бугунги кунда барча меҳнат коллектив-
лари сингари кўп миң кишилик тўқимачи-
лик комбинаи меҳнат коллективларида ҳам
қайта қуриш жараёни жадал суръатларда
давом этмоқда. Бу жараён айниқса, ағона
пудрат асосида, ағона мақсад йўлида тер
тўқатган бригадалар фаолиятида ёрқин
сезилмоқда. Қарийб бир йилдан буюн ҳўжа-
лик юртишнинг янги иқтисодий методи
— ҳўжалик ҳисоби шароитларининг ўзига
хос афзаллиқларини амалда намоян этиёт-
ган бу коллективлар ишлаб чиқаришда
муайян ютуқларга эришиб келмоқдалар.
Бунинг корхонанинг ийрик ишлаб чиқариши
— 2-йигирув-тўқув фабрикасининг бир қатор
етақчи бригадалари фаолияти мисолида ҳам
яққол кўриш мумкин. Чунонинг, мазкур
фабриканинг 3-тўқув деҳидаги пешқадам
коллективлардан бири Йўлдош Мадаминов
бошлиқ бригада ҳам ана шундай коллектив-
лар жумласидадир.

Йил бошидан буюн ҳўжалик ҳисобига
ўтиб ишлаётган бригаданинг ташкил топ-
гани икки йилдан ошди. Ўз сафига йигир-
ма олти ишчини бirlаштирган бу коллек-
тивнинг меҳнат кўрсаткичлари ҳақида
юқори. Бригада коллективни бир йилдан буюн
янги методда ишламоқда. Аммо, шунга
қарамай, уларнинг иш кўрсаткичи сира
пайсангани йўқ. Бригаданинг Наташа Анти-
пенко ва Рихсол Жўраева каби илгор ва
чаққон тўқувчи қизлари 16 тадан тўқув
дастгоҳида «Ляна» матосини тўқинмоқда.
Буллардан ташқари ана учта тўқувчи ҳам
бу ассортиментини ўзлаштирмоқда. Қизлар-
нинг қулиқ ва ойлқ кўрсаткичлари
ҳақида қўноварли. Улар топшириқни му-
таазам ошири била, яъни 105 — 110
процентга етказиб бажариб, маҳсулотнинг

95,5 процентини фақат юқори сортларга
топширишга муваффақ бўлишмоқда.

Шунингдек, бригаданинг Нина Бела ва
Шоира Норматова сингари моҳир тўқувчи-
лари эса нормадагидан анча ортиқ, ошири-
лган зичликда 48 та тўқув дастгоҳида сатин
газламасини тўқинмоқда. Бу қизларнинг
иш кўрсаткичи ҳам қўноварли.

Сўнгги ойларидаги кўрсаткичларни таҳ-
лил этадиган бўлсак, бригада коллективни
бу ойларида топшириқни 102 процент адо
этиб, маҳсулот сифати кўрсаткичининг ҳам
нормадаги 96 процент ўрнига 99 процентга
етказди. Меҳнат унмудорлиги кўрсаткичи
ҳам бригадада 105 процентини ташкил
этмоқда.

Бригада етакчисининг ўзи эса, дастгоҳ-
ларини ҳақиқат саз ҳолда сақлаш билан
бирга ўзининг қимматли бой тажрибаси
билан ёш тўқувчиларга қўмак беради.
Бундан ташқари у комбинаат меҳнат
коллективни кенгайти раисининг ўринбосари
сифатида ҳам корхонадаги мавжуд муаммо-
ларининг ҳал этилишига муносиб улўш
қўшиб келмоқда.

Йўлдош ака — беш йиллик илғорлари-
дан, шу йил бошида ўн иккинчи беш йил-
лиқни муваффақиятли якунлаб, меҳнат
календариди янги беш йиллик ҳисобини
очди. Ҳозирда И. Мадаминов — 1991 йил-
нинг сентябрь ойи ҳисобига маҳсулот
топшириқда. Умр йўлдоши Татьяна Мада-
минова ҳам 21 йилдан буюн шу деҳда
меҳнат қилади. Бу аҳли ишчи сулола-
сига фабрикада ҳамма ҳавас қилади. Зеро,
ҳамжихат оилга давс қилса арайиди.

З. ДУСТИҲАМЕДОВА,
кўп нусхали «Тўқимачилар овози» га-
зетаси ҳодими.



«Қаноп» ишлаб чиқариш бирлашмасидан Мария Данилов-
на Зайковна яхши танишди. У 18 йилдан буюн шу ерда фи-
докорона ишлаб келяпти. У маҳсулотнинг сифатини бўлиши
учун қайғуради. Бундан ташқари ёшларнинг меҳрибон му-
раббийси ҳамдир. Ҳозир унинг кўлгина шогирдлари ўзи бил-
лан бир сафда меҳнат қилишяпти.

У. Усмонов фотоси.

**Диққат,
янгилик!**

Институт ташкил этилди

СССР Министрлар Советининг 1988 йил 7 майдаги
қарорига асосан Тошкентда-
ги «Среднеазиат» ишлаб
чиқариш бирлашмасининг
Урта Осиё илмий тадқиқот
институтини ва Ўзбекистон
давлат лойиҳа институтлари
асосида Урта Осиё давлат
илмий тадқиқот ва лойиҳа
институтини «Среднеазиат-
НИИПРОГАЗ» ташкил этил-
ди. Янги институтнинг иш
фаолияти нималарга қара-
тилган, унинг вазифаси ни-
малардан иборат?

Газ ва газ конденсати қазилма бойликлари геологик
қидирув ишларини амалда
ошириш, нономал қатлам
лар босими остида мураккаб
шароитда топишган қазилма
бойликларнинг унмудорлиги-
ни ошириш борасида илмий-
техник ишлар комплекс-
сини амалда ошириш, газ
корхоналари хом ашё база-
сини ривожлантиришда улар-
нинг саноат ишлаб чиқари-
ши ва эксплуатация қилиш-
нинг энг мақбул йўлини
аниқлаб беришдан иборат.

Шунингдек, институт янги
техника ва технологияни ҳа-
ётта тадбиқ этиш ва газ қў-
дқларини капитал ремонт
қилиш, узатишга тайёрлана-
ётган газнинг сифатини оши-
ришга қаратилган илмий-
техник иш ва лойиҳа кон-
структорлик ишларини амалда
оширишни назарда тутди.
Газ етказиб бериувчи магист-
рал системаларда газнинг
босимини ошириб бериувчи
компрессор станциялар ва
ер ости зангори ёқилғи ом-
борларида шунинг энг мақ-
бул режимини илмий ра-
вишда ишлаб чиқади.

Маълумки, «Союзузбек-
газпром»нинг иш фаолияти-
даги тажрибаси ва унинг
ўзига хос хусусияти, му-
раккаб техник шароитларда
ўзлаштирилаётган объект-
лар газ қазиб чиқариш,
уни истеъмолчиларга етқа-
зиш бериш газ саноати ри-
вожланиши билан боғлиқ
қатор илмий амалий масала-
ларини ҳал этиш корхона ва
ташкилотлардаги мутахас-
сисларнинг илмий потен-
циалини бirlаштиришни
тақозо этади. Институт ана
шу масалаларни ҳам ўз ичи-
га қамраб олади. Ҳозирги
кунгача газ соҳасидаги ил-
мий текшириш ишлари бир
ташкилотда, лойиҳа ишлари
бошқа бир институтда, таж-
риба-конструкторлик ишла-
ри эса учинчи бир муассаса-
да бажариладди.

«СреднеазиатНИИПРО-
ГАЗ»нинг ташкил этилиши
бу муаммонни ҳал этади ва ил-
мий текшириш, лойиҳа
қидирув, тажриба-конструк-
торлик ишларининг самара-
дорлигини оширишга яқин-
дан ёрдам беради.

Д. РАҲМОНОВ,
«СреднеазиатНИИПРОГАЗ»
лоийҳа институтининг инже-
нери.

Аҳолиси 2 миллиондан ортиқ
шаҳримизда қанча-қанча бола-
лар боғчалари бор, яна қанча-
лари янгидан очилляпти. Ки-
чинтойларни ўз ёғрига оли-
даган бу масканлар учун жуда
кўплаб тарбиячилар зарур.
Мавжуд педагогика би-
лими юртлири ва инсти-
тутларда тайёрланаётган му-
тахассислар эса ҳозирча: кун
сайин ўсиб бораётган талабга
тўлиқ жавоб бера олмаяпти.
Натижада болалар боғчалари-
да тарбиячилар танқислиги се-
зилмоқда. Демак, кимдир, ни-
медир қилиш керак. Давр та-
лаби ҳам шу! Ва шунда...

Тошкентдаги 45-ўрта мактаб
ўтган йили ташаббус билан
чидди. Бу ташаббус тез орада
шаҳарга тарқалди. Мактабда
болалар боғчалари учун тар-
биячилар тайёрланар экан.
Тажриба синфлари очилаётган
эмис. Ҳа, шаҳарнинг қарига
борсан бу ҳақда дув-дув гап.
Янгилик ҳақида аниқ бир
маълумотга эга бўлиш учун
мактабга кўнгирок қилганлар,
мактабга сурштириб келган-
лар аниқ эди... Ҳуллас, хушха-
бар ости экан: муассасалар
учун тарбиячилар тайёрлана-
ган маҳсус педагогик синфлар
иш бошлади. Бу тажриба синф-
лариға талабалар танлаб олин-
и

бошланди. 1987-1988 ўқув йил-
лида бошлб эса бу синфлар
ўқув маҳсулотларини бошлб
юборишди. Бу ҳақда мактаб
директори, СССР халқ маори-
фи аълоҳиси Тинчибек Пула-
тов шундай ҳикоя қилади:

— Ҳозир тажриба синфлар-
да 260 ўқувчи, асосан қизлар,
таълим олинмоқда. Улар Собир
Раҳимов, Октябр, Акмал И-
ромоов, Киров ва Қўйбишев
район халқ маорифи бўлими
қўлленмалари билан келишган.
Бўлаёак тарбиячиларга пухта
билим бериш учун бу ерда
урта таълим билан бирга ифо-
дали ўқиш, техник воситалар-
дан фойдаланиш, рус тилини
чўқур ўрганиш каби маҳсус

Маҳаллада газета дўкони

Киров районидаги 1-Кис-
ловский маҳалла аҳолиси ва
В. П. Чкалов номидаги Тош-
кент авиация ишлаб чиқари-
ш бирлашмасининг касал-
хонаси ҳодимлари илтимос-
ларига биноан «Союзпечать»
дўкони очилди. Бу дўкон
Киев қўчасидаги бекат ёни-
га ўрнатилди. Сотувчи
Манзура опа Қайумова кўп
сонли газетхонларга наму-
нади хизмат кўрсатмоқда.

Ундан ташқари, мактаб
ўқувчилари ҳам зарур ўқув
қўроллариини харид қилиш
имконига эга бўлишди.

— Илгарилар газета
журналларни икки бекат на-
вбатига Ишчилар шаҳарчаси-
дан сотиб олардик, — дейиш-
мақда маҳалла отахонлари.

— Энди дўкон шундай рўпа-
камизда. Бу, айниқса биз,
режисларга яхши бўлди.

Газета ўрнига қўполлик

Биз 2-Қорақамиш массиви 4-микрорайон-
ининг 45-ўй, 22-квартирасида яшаймиз.
Уйимизга 178-алоқа бўлими хизмат кўр-
сатади.

Мен 1988 йил учун «Тошкент ҳақиқати»
га обуна бўлганман. Илгарилари гоҳо-гоҳо
газетанинг баъзи сонлари келмай қоларди.
Нима ҳам бўлди-ю, шу йил 3 сентябрь —
шанба кунга газетанинг навбатдаги сони к-
елиши таққа тўхтади. Ниҳоят, янаги шанба
— 10 сентябргача чидаб, шу кунга алоқа
бўлимига бордим.

— Бу қандок бўлди, бир ҳафтадан бери
«Тошкент ҳақиқати» бормай қўйди-ку, биз-
никига? — сўрадим сараловчи Соня Раҳи-
мқулованди.

— Бориши керак, нега бормас экан га-
зета? — «жавоб» қайтарди у саволимга
савол билан.

— Ёдингизда бўлса, февраль ойининг 10
числосига ҳам газета олмадик. Ўшанда
аниқлаш учун кивтанцияни мендан олиб
қолган эдингиз.

— Маиа, кивтанциянгиз, ана, почта-
лонингиз ҳам келди, ўзидан сўранг.

— 3 сентябрдан бери «Тошкент ҳақиқ-
ати» олмайлман, почта қўтиларимиз янги-

ланган, қулф-қалитли бўлса... — юзландим
почталон Вали Балабуринига.

— Бўлмаган гап, мен ҳар кун почта қў-
тисига газета ташлаяман, — жеркиб бер-
ди у.

Шу «диалог» баҳона бўлди-ю, алоқа бў-
лимидаги бошқа почталон, ҳодимлар ҳам
касбдошларининг ёнини олиб, бобилаб
мени «талашди». Шу аллоҳда В. Балабур-
кина ўша ерда «Тошкент ҳақиқати»нинг
ўша кунги — 10 сентябрдаги сонини қў-
лимга тутқазди.

Маиа, алоқа бўлимига учраб келганимга
ҳам бир ҳафта бўлди. Сентябрь ойи нчида
фақат 3-числодаги газета келди, 10-число-
даги сонини ўзим бориб «жанжал» билан
олиб келдим. Газетанинг қолган сонларини
ҳанузгача ололмай, гарантман.

Ажаб, йил бошида 1,5 ой газета ол-
маган бўлсам кейинги «воқеани» эса юқо-
рида баён этдим. Обуна бўлишдан мақсад
нима ўзи? Алоқа ҳодимларининг ҳозирги
қайта қуриш ва жадаллаштириш давридаги
ўз ишига муносабати, обуначига муомала
ва хизмати шуми, ахир?

М. ТУРОВОВ.

«Соқов» телефон



Сергели райондаги 3-ўрта мактабда санъат музейи ташкил этилган. Бу ерда машҳур рассомларнинг қирқдан ортиқ суратларининг кўчирмалари тўпланган. Музейга ҳар кун пилонер ва октябрлар эк

Ҳамиша жанговар сафда

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг газетаси «Фрунзе» ташкил этилганга 70 йил тўлди. Туркистон ўлкасида 1918 йил 19 октябрда соддат газетасининг биринчи соини чиққан эди, газета тез орада қизил аскарлар орасида обрў қозонди, омманинг чинакам пропагандисти, агитатори ва ташкилотчиси бўлиб қолди.

Мамлакатимиз тарихининг ҳақиқат босқичларида «Фрунзе» газетаси Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг сиёсатини аниқлаш билан ўзгариб кетди. Унинг саҳифаларида Ҳарбий Осиё республикаларида совет ҳокимиятини ўрнатish қандай бораётгани кенг ёритилди. Ёш қизил армиянинг ички ва ташқи ақсалини қўриқчиларга қарши кураши, босмачилар тўдаларининг тор-мор келтирилиши ҳақидаги материаллар босилди. Улуғ Ватан уруши йилларида газета оташин сўзлар билан совет кишиларини бутун куч-гайратларини фашизм устидан ғалаба қозонишга сарфлашга даъват этди.

«Фрунзе» Афғонистондаги Совет қўшинлари чекланган контингентини жангчиларнинг ҳарбий жасоратини пропаганда қилишга қатъия қарор қилди. Редакциянинг ун икки журналисти юксак давлат мукофотларини олишга мушарраф бўлди.

Жанговар тайёргарлик бўлимининг бошлиғи майор Валерий Глезенков ўз журналистик бурчини бажариб, Афғонистонда бир неча марта бўлиб, жанговар ҳаракатларда фаол қатнашди. Қизил Юлдуз орденига сазовор бўлди. Офицер ана шундай сафардан бирида ҳалок бўлди. Майор В. Глезенков Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланди, деб ёзди Ҳ.Т.А.Г. мухбири А. Никоненко.

«Фрунзе» газетасининг мухбири капитан Н. Баранов олдин Афғонистон республикасида хизмат қилди. Бир кун катта лейтенант С. Козлов командирлик қилаётган рота жангчилари билан бирга жанговар тошхиринчи бажариш учун учди. Десантчилар исёнгилар эгаллаб турган территорияга тушиб, тоғ дарёсини кўпригини эгаллаб, уни асосий кўчлар этиб келгунча ўз қўлларида сақлаб туришлари керак эди. Бўлим билан биргаликда ҳарбий журналист ҳам мардона ҳаракат қилди. Жанговар тошхиринчи аъло даражада бажарилиди. Парашют-десант ротасининг командири, катта лейтенант С. Козловга Совет Иттифоқи Қарамоён унвони берилди. Бўлимнинг кўпгина десантчилари орден ва медаллар билан мукофотланди. Газета мухбири Н. Баранов эса «Жасурлиги учун» медали билан тақдирланди.

«Тоғлар ва саҳролар — бизнинг полгонимиз» дейишди туркистончи жангчилар. Мотоўқчилар, танкичлар, десантчилар, авиаторлар худди ана шу ерларда ўз жанговар маҳоратларини оширишди. Ҳарбий журналистлар улар билан ҳаммаша бир сафда туриб, Ватанимизда жасурлик чегараларини соқиллаштириш ҳаёти, турмуши ва жанговар ўқушини «Фрунзе» саҳифаларида кенг ёритмоқдалар.

«Тоғлар ва саҳролар — бизнинг полгонимиз» дейишди туркистончи жангчилар. Мотоўқчилар, танкичлар, десантчилар, авиаторлар худди ана шу ерларда ўз жанговар маҳоратларини оширишди. Ҳарбий журналистлар улар билан ҳаммаша бир сафда туриб, Ватанимизда жасурлик чегараларини соқиллаштириш ҳаёти, турмуши ва жанговар ўқушини «Фрунзе» саҳифаларида кенг ёритмоқдалар.

«Тоғлар ва саҳролар — бизнинг полгонимиз» дейишди туркистончи жангчилар. Мотоўқчилар, танкичлар, десантчилар, авиаторлар худди ана шу ерларда ўз жанговар маҳоратларини оширишди. Ҳарбий журналистлар улар билан ҳаммаша бир сафда туриб, Ватанимизда жасурлик чегараларини соқиллаштириш ҳаёти, турмуши ва жанговар ўқушини «Фрунзе» саҳифаларида кенг ёритмоқдалар.

«Тоғлар ва саҳролар — бизнинг полгонимиз» дейишди туркистончи жангчилар. Мотоўқчилар, танкичлар, десантчилар, авиаторлар худди ана шу ерларда ўз жанговар маҳоратларини оширишди. Ҳарбий журналистлар улар билан ҳаммаша бир сафда туриб, Ватанимизда жасурлик чегараларини соқиллаштириш ҳаёти, турмуши ва жанговар ўқушини «Фрунзе» саҳифаларида кенг ёритмоқдалар.

Фестиваллар фестивали

Тошобинлар Ватанимиз экранлари чет эл фирмаларида яратилган энг яхши фильмларни четлаб ўтаётгани учун кинопрокатга бир неча бор ҳаққоний равишда эътироз билдирган эдилар. Қайта қуриш маъмур ташкилот фаолиятига ҳам ўзгариш киритди. Тошкентда бошланган фестиваллар фестивали ана шундан далолат бериб турибди. Ўзбекистон пайтахтидаги кинотеатрларда машҳур халқаро кино анжуманларида тан олинган энг яхши асарлар намойиш этила бошланди. Фестиваль программасига А. Тарковскийнинг «Кўмса» ва Н. Михалковнинг «Қора кўлар», америкалик режиссёр Б. Фоссининг ўз вақтида етти марта «Оскар» мукофотига сазовор бўлган ўлмас «Кабаре» фильмлари киритилган. Тошобинлар венгер режиссёри И. Сабонининг «Полковник Редь», О. Стоун ва М. Дугласнинг «Уолл-стрит» ленталарини томоша қилишлари мумкин.

Кинооператор хотираси

Республика кинематографиячилари уйда очилган фотокўргазмада А. Довженконинг «Арсенал», «Замин», «Иван» фильмлари орқали таниш бўлган СССР Давлат мукофоти лауреати, украинлик кинооператор Д. Демчуқнинг ижоди ўз ифодасини топади. Кўргазмага юзта экспонат қўйилган бўлиб, уларни Украина кинематографиячилар союзи камол эътиром билан тақдир этган.

Уруш йилларида оператор Киев киностудияси билан бирга Тошкентга кўчиб келган, «Эзбекфильм» киностудиясида ишлаган эди. Уша уруш йиллари суратта олинган ва Д. Демчуқнинг операторлиги қилган Наби Ганиевнинг «Тоҳир ва Зухра», Я. Протазановнинг «Нариндин Бухорода» картиналари республикамиз кинематографиясининг олтин фондидан жой олди.

Кўргазмага келган кишилар экран устасининг асарлари билан батафсил танишадилар.


Командировка сермазмун бўлди

Ўзбекистон акварелчи рассомлари группасининг Фарғона водийси шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб икки ҳафталик ижодий командировкаси жуда сермазмун бўлди. Улар саёҳат вақтида юздан ортиқ ландшафт ва этюд чизди. Фарғонадаги выставка залига очилган кўргазмага уларнинг энг яхши асарларидан 60 таси қўйилган.

Ҳар бир мўъаллиф «Ўзбекистон дурдонасини ўзига хос мушоада қилиш қобилиятига эга. Улар меҳнаткаш ҳамда меҳмондўст кишиларга ўз муносабатларини самимий ифода қилмоқдалар. Бир ерга тўпланган ана шу асарлар — «оқ олтин» ва боғ-роғлар, катта химия, нефть ва шойи ўлкаси бўлган Фарғона водийсининг ажойиб образи бўлиб қолди.

В. Антоновнинг «Водили» ва «Шоҳимардон турбазасида рақслар», Е. Владимировнинг «Тоғ манзараси», В. Михайличенконинг «Духоба дараси», В. Хайдуковнинг «Индустрия манзараси» каби акварелда яратган асарлари катта қизиқиш уйғотмоқда.

[ЎЗАТ.]



● Мехрибон дўстлар.

М. Назаров фотоси.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тарвуз хосиятлари

Сабзавот ва меваларни қишга гамлаётган ўртоқларга табиатнинг энг йирик ва тотли нёъмати — тарвузга эътибор беришларини маслаҳат қиларди. Ҳозир тарвузларнинг айни етилган пайти. Тарвуздан ширинликлар тайёрлаш билан бирга уларни тузлаб қўйиш ҳам мумкин. Тажрибали уй бекалари гўштига қараганда витаминлар бир неча баравар кўп бўлган тарвуз пўчоғини ҳам чиқити қийинмайди. Улардан мураббалар, қуюқ шинилар, бошқа ширинликларни тайёрлайдилар.

УЛАРНИНГ АҲРИМЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ РЕЦЕПТИНИ ТАВСИА ЭТАМИЗ:

ТАРВУЗ МУРАБВОСИ

Тарвуз пўчоғи юлқа қилиб олинган, у майда булакларга кесилди, совуқ сувга солиниб, юмшагунча қайнатилди. Тарвузнинг ҳар килограммига 2 килограмм ҳисобидан шакар олиб, тенг иккига ажратилди. Бир қисмдан — олдиндан сувга иккита лимон шарбатини сиқиб солган, қиём тайёрланг. Қиёмни қайнатиб, юмшаган тарвуз булакларини солиб, паст алағида қайнатишни давом эттинг, қайнатиш давомидан унга қолган шакарни ҳам қўшиб борасиз.

ШАКАРЛИ ТАРВУЗ

Бунинг учун тарвуз пўчоғи билан қайнатилади. Пўчоқлари ювилиб, ихчам квадрат ёки тўғри тўртбурчак шаклида тўғра-

лади. Улар титилиб кетмаслиги учун 8—10 соатта шўр сувга (бир литр сувга тўрт ош қошиғида туз ҳисобидан) солиб қўйилади. Сўнг тарвуз пўчоқлари совуқ оқинди сувда туз қолмаслиги учун ахшиллаб ювилади ва 10—15 минут иссиқ сувда ушлади.

Шакарли тарвуз бир неча босқичда тайёрланади. Бир килограмм тарвуз пўчоғига бир килограмм шакар олинади. Даставвал икки марта 40 процентли шакар қиёмидан (60 грамм сувга 40 грамм шакар ҳисобидан) қайнатиб олинади, тўртинчи ва бешинчи марта қайнатиш чоғида қиёмга қолган шакар ҳам қўйилади. Ҳар сафар қайнатиб олингандан сўнг тарвуз пўчоқлари тўрт-беш соат совитиб қўйилади.

Сўнг тарвуз қайнатиш тугаганидан сўнг, пўчоқларни тоғорадан аста олиб, қиём оқиб тушиши учун галвирга терасиз. Агар совитилган ва қуритилган пўчоқлар устида оқ шакар қатлами ҳосил бўлса, бу ширинлик тайёр бўлганлигини билдиради. Улар тағина ялтироқ қозоғ тўшалган картон ёки ёғоч қўтиларда сақланади, ширинликларнинг ҳар қатлами ҳам ялтироқ қозоғлар билан акратилади.

ТУЗЛАНГАН ТАРВУЗ

Тарвуз катта бўлмаган булакларга (ҳар бир булак узунасига ва кўндалангига) кесилди, сирланган кистролга қатор қилиб терилди ва устига икки боғ укроп (қиймаламай) солинди. Тарвуз булакларини укроп қўйилгунча намаюб (бир литр сувга бир ош қошиғида туз ҳисобидан) қўйлади. Усти фақат линочка билан ёпилади. Шундай ҳолда уй ҳароратида икки кун сақланади, сўнгра ҳолодильникка қўйилади.

ТАРВУЗ ИЧИМЛИГИ


Етилган тарвуз тенг иккига кесилиб, уруғ ва пўстлогидан тозаланади ва нимталанади. Улардан сиқиб олинган шарбат ўртача алағида қайнатилади. Қайнатиш қуюқ масса ҳосил бўлгунча давом этади.

ТАРВУЗЛАРНИ САҚЛАШ

Тарвузлар одатда осилган ҳолда сақланади. Бунинг учун ҳар бир тарвуз юмшоқ ва энли лента билан тўрт марта ўралади ва сиртмоқ ясалади. Боғлаш учун каноп иярамайди. Чунки каноп ботиб, мевага шикаст етказди. Осиб қўйиш учун қамшисимон қўға экиннинг лентига ўхшаш пояларидан фойдаланиш мумкин.

«ТАШПЛОДОВОШЧПРОМ» БИРЛАШМАСИ.

Мазаси оғзингизда қолади



«Уместпро» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг

Ўзбекистон агентлиги.

Тушунтириш хати

«Сизга ёрдам беришади...»

—Безовта бўлманг,— деди Тошкент шаҳар наряддиспансери ҳамшираси А. Панфилова ҳамдардиди билан,— бизда сизга ёрдам беришади.

У бир кун аралаб Ўзбекистон Ахборот Агентлиги муҳбирлардан бирининг уйига кириб келди ва муҳбирга наряддиспансера борши кераклиги ҳақидаги қаққур қозғонини топириди.

—Бу яна нимаси!— ажабланди журналист.

—Сизнинг муттасил ичкишнинг ҳамда ўзингизни тутта олмаслигингиз ҳақида шикоят тушди,— деб жавоб берди ҳамшира ва муҳбирнинг уйини диққат билан кузата бошлади: афтидан у яқинда бўлган текшириш учун қандайдир даъли-нэботлар, маст-аласт ҳал кечирининг изларини қидираётгандек эди. Муҳбирнинг бахти қанада қийналаган шиппак ўз жойида турар, ўринкурпа днд билан йиғиштирилган, ҳозиргина ички бўшаган кефир шишаси уй эгасининг турмуш тарзидан далолат беради.

Муҳбир қаққуру муддатни этиб келишини кутиб ўтирмай, ана шу галати ташриф ҳақида ўз меҳнат коллективига хабар қилди ва мазкур идора ички аввалини муҳбир билан қўшиб диспансера юборди. Улар тўғридан-тўғри диспансер бош врачин Д. Абдулмева ҳузурига кириб боришди.

—Ҳақиқатан ҳам муҳбирингизнинг уйи бизнинг ҳодимамизда ахши тасвурот қолдирди—деб таъ олди Дипрабо Ҳамидуллаева,—бу нарса анда ҳам қўрсатилган.

—Ақтининг нима кераги бор! Умуман, буларнинг ҳаммаси нимага асосланиб қилинмоқда! —Шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлигининг ўрнибосари ўртоқ Қазақовнинг телефон орқали берган кўрсатмасига асосан.

Бошлиқ ўрнибосари ҳузурига борди.

—Ўзини Глауберзон деб атаган гражданининг телефон кўнгируғи асосида,— дея хабар қилди В. Қазақов,— у сизнинг ўртоғингиз билан бирга ишлашнинг ҳамда унинг иш вақтида муттасил ички юришини айтиди.

—Биласизми, бундай одам идорамизда ҳеч ишлаган эмас. Сизга берилган телефон номери эса сохта. Бу адресда умуман бошқа кишилар яшайди. Бунинг устига биз ўз ўртоғимизни ҳеч қачон маст ҳолда кўрган эмасми.

—Демак, биз янглишибиз,— дея таъ олди бошлиқ ўрнибосари,— афсус, афсус...

На илож, биз ҳам афсусланаёلمиз. Энг аввало, юмалоқ хатлар, ноаниқ қаққуларни текшириш ҳусусида қонун чиқаришга қарамай, ҳалигача бундай тўбаник ўз қадрини сақлаб қолмоқда. Ҳозир биз айтиб берган воқеа ҳам журналист бадном қилишга уринишдан бошқа нисбат эмас.

Ҳозирги пайтда матбуот ҳодимларини жуда қўпчилик кузатадиган бўлиб қолган. Шундай экан, сизин бадном қилмасликларини учун ҳар дақиқда тайёр туриш керак. Ҳар эҳти-молга қарши уйнинг эстонасидаги шиппакларингизни тўғри-лаб қўйишни унутманг.

Ҳозир нечаник минг йилликда яшаётимиз, ўртоқ Қазақов!

И. ХИСОМОВ,

[ЎЗАТ.Г. мухбири].

Редактор

Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбек ва рус тилларида мустиқли равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Тошкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ:

700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет нури-лиши ва ҳақиқат нури — 32-54-34; саноят, транспорт ва алоқа — 33-08-74, 32-57-84; шаҳар ҳўжалиги, савдо ва маъиший хизмат — 32-55-39, кинотал нурилиши — 32-55-85; фан ва ўқу юрталари — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-аатанларварин тар-биси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.